

ҚЎҚОН ХОНЛИГИДА ИЧКИ САВДО МУНОСАБАТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА СОЛИҚ ТУРЛАРИ.

Рузматова Шаходат Абдукаххаровна

Қўқон давлат педагогика институти Тарих факультети
“Тарих” йўналиши кафедра ўқитувчиси тел.: 90 566 88 81
эл. почта gulnozkspi@gmail.com

Аннотация

Ушбу мақолада Қўқон хонлиги аҳолиси олиб борган ички ва ташқи савдо муносабатлари, аҳолига давлат томонидан белгиланган солиқ турлари ҳақида маълумотлар мавжуд.

Калит сўзлар:

савдо, бозор, қурилган мева, қоракўл, бўёқлар, таноф, хонсолиқ, қўшин пули, металл, ярмарка, Россия, Афғонистон, Хитой, Хиндистон.

XIX асрнинг 2-ярмида хонлик аҳолиси анъанавий хунармандчилик билан шуғулланган. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг асосий қисми ички бозорларда, бир қисми эса яқин давлатларда ҳамда Россия ярмарка ва бозорларида сотилган. Ташқи савдода Фарғоналиклар, асосан, Хитой (Шарқий Туркистон), Хиндистон, Хўжанд; ўратепаликлар Бухоро амирлиги, Афғонистон ва Россия билан, Тошкент ва унинг воҳаси эса Қозғистон, Россия билан, Сирдарё бўйларидаги шаҳарлар Бухоро ва Хива давлати билан савдо алоқаларини олиб борганлар.

Россия империяси билан олиб борилган савдо муносабатлари Қўқон хонлиги қишлоқ хўжалигининг айрим тармоқлари ривожланишига олиб келди ва рус маданиятининг баъзи жиҳатлари аҳоли турмуш тарзига кира бошлади[1].

Мамлакат иқтисодий ҳаётида алоҳида ўрин тутган савдо марказлари бўлган Қўқон, Тошкент, Андижон, Чимкент, Ўратепа, Марғилон, Ўш, Хўжанд, Ўратепа, Жиззах, Сайрам, Туркистон каби шаҳарлар ички савдо тараққиётини белгиловчи асосий омил ҳисобланган. Бу шаҳарларнинг бозорлари маҳаллий ва четдан келтирилган маҳсулотлар билан тўлиб тошган. Металл ва фабрика буюмлари Россиядан келтирилган бўлса, Хитой ва Хиндистондан чой маҳсулотлари ва бошқа товарлар кириб келган.

Энг тез кетадиган, серхаридор нарса алача ҳисобланган. Хивада уни пахта ва ипак матосидан тайёрлашган, Қўқон ва Бухорода эса фақат пахтадан тайёрлашган. Қўқон ва Бухорода терининг энг олий нави тайёрланган. Қарши, Чуст пичоқ ва ханжарлари жуда машҳур бўлган[2].

Қўқон хунармандлари томонидан тайёрланган ипак матолар ўзининг пишиқлиги, чиройилиги ва арзонлиги билан ажралиб турган. Шу боис бу матолар харидоргир бўлиб, ҳатто Европа мамлакатларида ҳам ўз мижозларига эга бўлган[3].

Хонлик аҳолиси ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг асосий қисми ички бозорларда, бир қисми эса қўшни давлатлар ва Россиянинг ярмаркаларида сотилган. XIX аср ўрталарида хонлик бозорларида Россияда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари жадал кўпайиб борган.

“Туркестанский сборник” тўпламининг 23-жилдида Қўқон бозори тўғрисида маълумот мавжуд. Унга кўра Қўқон бозори катталиги, тозаллиги ва тузилиши бўйича Тошкент бозорини анча ортда қолдирган. Бозор усти ёғоч том билан ёпилган. Ушбу бозорни амалдаги хон қурдирган бўлиб, расталарни ижарага бериш орқали фойда кўрган. Бозорнинг ҳаммаси бўлиб 420 та растаси бўлган[4].

XIX асрнинг бошларидан бошлаб хонлик савдогарлари ташқи савдода Россия билан муносабатларни кенг йўлга қўйганлар. Натижада Россия фабрикаларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар нафақат маҳаллий хунармандлар балки бошқа мамлакатларнинг товарларини ҳам сиқиб

чиқара бошлаган. Айниқса, 1868 йилда имзоланган Россия-Қўқон савдо шартномасидан сўнг хонлик ҳудудларида рус савдогарларининг фаолияти янада жонланган.

Қўқонлик савдогарлар Россиядан ташқари, Бухоро, Афғонистон, Ҳиндистон билан фаол савдо-сотик олиб борган. Бу муносабатлар ҳақида А. К. Гейнс ҳам маълумот беради.

Туркистон савдогарлари Ҳирот орқали Эрон билан ҳам савдо алоқаларини олиб борганлар. У ерга қоракўл, қуритилган мевалар, бўёқлар ва айрим маҳаллий матоларни юборишган[5].

Хонликда ҳиндлар яшайдиган маҳаллалар мавжуд бўлган. Ушбу маҳаллаларда савдо ишлари ва судхўрлик авжига чиққан[6].

Қўқон хонлигидаги давлат даромадлари солиқлардан ҳосил қилинган. Мамлакатда шариат қонун-қоидаларига биноан белгиланган, расмий, урф-одат ва фавқулодда солиқлар тизими жорий этилган. Хонликда солиқлар маҳсулот ва пул шаклида ундирилган. Аҳоли зиммасига солиқлардан ташқари яна турли мажбуриятларни ҳам бажариш ҳам юклатилган. XIX асрнинг ўрталарига келганда асосий солиқлар билан бир қаторда кўплаб майда солиқлар ва мажбуриятларнинг ҳам жорий этилиши аҳолининг тинка мадорини қуришиб, хўжалик ҳаёти ва ижтимоий барқарорликни издан чиқарган.

Қўқон хонлигида олинадиган солиқлар халққа жуда оғир бўлиб, улар яна турли ҳашарларда, айниқса бой феодаллар уй, сарой, далаларида, қурилиш иншоотларида бепул қатнашишга мажбур қилинардиган[7].

Солиқ турлари 3та: 1) ғалла- йиғиб олинган дон миқдорининг 1/5 қисми; 2) таноп- бошқа экинлар ва мевали дарахтлардан олинадиган солиқ; 3) хонсолиқ- ҳар бир ҳовлидан йилда бир марта 4дан 5сўмгача йиғиладиган пул солиғи.

Аҳолидан йиғиладиган яна бир солиқ тури қўшин пули бўлган. Доимий мунтазам қўшин яратиш мақсадида Худоёрхон ўзининг кичкина мамлакатини оғир аҳволга солиб қўяди. Аҳоли ҳеч қандай ҳарбий мажбуриятни билмайди, фавқулодда ҳолатлардагина қуролланишини билади ҳолос. Ушбу қўшинни бошқа мамлакатлардан келган одамлар европача, осийча жанг қилишга ўргатганлар. Қўқон хони кўп аскарларни йиғиб олиб уларни озик овқат билан таъминлай олмайди бунинг натижасида аскарлар қорниларини тўйдириш учун ўғирлик ва зўрлик қилишга мажбур бўладилар бу эса аҳолини норозилигига сабаб бўлади. Бундай йўл билан қорин тўйғазган аскарлар бошқани мулкига кўз олайтиравериш, ўғирлик қилавериш нобоп инсонларга айланишади. Қўшиндан азият чеккан, мол мулкидан айрилган аҳоли аскарликка олинган ёш авлодни ўғри, каззоб, дангасага айланаётганини кўриб норози бўлар эди.

Катта қўшинни тутиб туриш учун Худоёрхон оддий аҳолидан солиқ олавериши халқни норозилигига сабаб бўлар эди. Наманган савдо расталаридан фойда олиш мақсадида Худоёрхон янги 500 ўринли савдо расталари бор бозор қурдиради, эскилари яхши ҳолатда бўлганлигига қарамай, уйлар билан қўшиб ҳеч қандай тушунтиришларсиз бузиб юборилади. Эски расталар айримлар учун ягона даромад манбаи бўлишига қарамай ҳеч қандай имтиёзлар берилмасдан, огоҳлантиришларсиз бузиб юборилади. Қўқон хони Намангандаги ҳар бир савдо растаси учун 5 тиллодан 10 тиллогача солиқ олган (20-40р.)[8].

Аҳоли ўзининг эҳтиёжини хонликдаги маҳсулот билан қондирган. Камбағал кўчманчилар ўзининг чорвачилик маҳсулотларидан фойдаланган, ўз чопонларини (тўнларини), оёқ кийимларини ҳам ўзлари тайёрлаганлар, уйларини ҳам ўзлари қурганлар. Дехқонлар ҳам, керак бўлса, ўзларини ўзлари етиштирган маҳсулот билан таъминлаши мумкин эди. Шаҳар ва қишлоқ хунармандлари юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариб, четда ва ички бозорларда сотардилар. Кўп хунармандларнинг боғ ва полизлари, айримларининг далалари ҳам бўлиб, қўшимча сабзавот, мева, ғалла ҳосили олиш имкониятлари бор эди. Шу билан бирга, ҳар бир хўжалик металлдан тайёрланган буюмлардан фойдаланган. Байрам либослари эса авлоддан-авлодга ўтиб келган ва катта қимматга эга бўлган. Аммо бундай буюмларга эҳтиёж катта бўлиб, уларни бозордан сотиб олишга тўғри келарди. Бозорларда, асосан, кундалик маҳсулотлар сотилган[9].

Бухоро бозорларида қўқонликлар рус темири, чўян ва пўлатидан тайёрланган буюмлар, шунингдек, гурунч, тамаки, рўмол, ипак газламалар, чой ва чинни идишларни сотардилар[10].

Маҳаллий ўтrock аҳоли чорвадорлар ишлаб чиқарган маҳсулотларни шаҳардан ташқарида (қўй, от, моллар) сотган. Шаҳарларда катта бозорлар, асосан, жума кунлари бўлган[11].

Арминий Вамбери хабар беришича хонлик аҳолиси Қошғар, Ғарбий Сибир, Бухоро, Афғонистон билан мунтазам савдо алоқаларини олиб борганлар[12].

Қўқондан кейинги муҳим шаҳар Тошкент бўлиб, у хонликнинг асосий савдо маркази бўлган. Бу ерда Оренбург ва Петропавловск (Қизил-Жар) билан савдо алоқаларини олиб боровчи йирик савдогарлар яшаган.

Шундай қилиб, Қўқон хонлиги аҳолиси мамлакатдаги сиёсий нотинчликка қарамай савдо-сотиқ муносабатларини нафақат ўз ҳудудларида, балки қўшни давлатлар билан ҳам олиб борганлар. Натижада хонликда хунармандчилик, деҳқончилик, боғдорчилик ва бошқа соҳалар тараққий этган.

Адабиётлар рўйхати:

1. Насиржон Топилдиев. Қўқон хонлиги ва Россия империяси тарих чорраҳасида. Тошкент. Академнашр. 2012 й. Б. 108.
2. Арминий Вамбери. Путешествие по Средней Азии. Российская академия наук Институт востоковедения. Стр. 233-236.
3. ЎЗР ДА, И. Фонд-1, Опись-12, дело-1583, стр.-69.
4. Военный сборник. Санкт-Петербург, 1869 г. Туркестанский сб., т. 23, стр. 34.
5. Арминий Вамбери. Путешествие по Средней Азии. Российская академия наук Институт востоковедения. Стр. 246.
6. Насиржон Топилдиев. Қўқон хонлиги ва Россия империяси тарих чорраҳасида. Тошкент. Академнашр. 2012 й. Б. 103.
7. Х. Н. Бобобеков. Қўқон тарихи. Т.; “Фан” 1996 й. Б. 12.
8. Туркестанские ведомости. 1871г. №29. Стр. 2.
9. Насиржон Топилдиев. Қўқон хонлиги ва Россия империяси тарих чорраҳасида. Тошкент. Академнашр. 2012 й. Б. 98.
10. Насиржон Топилдиев. Қўқон хонлиги ва Россия империяси тарих чорраҳасида. Тошкент. Академнашр. 2012 й. Б. 104.
11. Насиржон Топилдиев. Қўқон хонлиги ва Россия империяси тарих чорраҳасида. Тошкент. Академнашр. 2012 й. Б. 115.
12. Арминий Вамбери. Путешествие по Средней Азии. Российская академия наук Институт востоковедения. Стр. 7.